



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИБИЛАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

**Зиёдуллаева Наргиза Шухрат қизи**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

2-ўқув курси 210-гуруҳ курсанти

**Ниматов Шерзод Ниматжонович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар  
профилактика си фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15152455>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-Mart 2025 yil

Ma'qullandi: 28- Mart 2025 yil

Nashr qilindi: 31- Mart 2025 yil

### KEY WORDS

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.М.Мирзиёев:  
“Асосий

вазифамиз–амиятимизни ислоҳ  
қилиш ва демократлаштириш,  
мамлакатимизни

модернизация қилиш  
жараёнларини янги босқичга  
қаратишдан иборат” номли  
маърузасида таъкидлаганидек,  
“бугунги кунгача ички ишлар ва  
хуқуқ тартибот органлари  
фаолиятини тартибга  
соладиган қонуннинг йўқлигини  
ҳам нормал ҳолат, деб  
бўлмайди

### ABSTRACT

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш,  
хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва  
жиноятчиликка қарши курашининг яхлит  
tizimini шакллантириш, ички ишлар  
органларининг энг қуйи бўғинидан республика  
даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш  
ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали  
мамлакатимизда хуқуқ-тартибот ва  
қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги  
ва осойишталигини таъминлаш мақсадида  
бугунги кунда кўплаб ислохотлар амалга  
оширилмоқда. Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб,  
бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган,  
ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз  
йиллар давомида ривожланиб келаётган ва  
мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон  
талаблари асосида такомиллашиб бораётган  
маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга  
солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш  
жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз  
самарасини беради,, ана шу меросдан амалиётда  
моҳирлик билан фойдаланиш зарур

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва  
жиноятчиликка қарши курашининг яхлит тизimini шакллантириш, ички ишлар  
органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини  
йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда  
хуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва  
осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислохотлар амалга  
оширилмоқда. Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув  
идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида  
ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари

асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий

вазифамиз–амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмайди. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усуллари аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш масалалари кўрилатганда, аввало ўрганилаётган объектда ўзаро ҳамкорлик тушунчасига таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Профилактика инспекторининг Миллий гвардия қўриқлаш хизмати билан ҳамкорлиги жуда муҳим ва самарали механизм ҳисобланади, чунки ҳар икки тузилма хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашга йўналтирилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик жуда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу фаолиятда давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, маҳаллий ҳокимиятлар, жамоат ташкилотлари ва аҳоли орасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарорида мустақиллик йилларида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилганлиги, шу билан бирга,

хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, давлат идоралари аксарият ҳолларда хуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги, хуқуқбузарликлар профилактика си ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек хуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги, ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек мазкур қарор билан давлат органларининг, шу жумладан хуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишлари қониқарсиз деб эътироф этилиб, хуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан хуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланган. Бу эса профилактика инспекторининг Миллий гвардия қўриқлаш хизмати билан Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга оширишда ўзаро ҳамкорлиги масаласини ўз навбатида долзарб эканлигини белгилаб беради.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги ўзаро ҳамкорлик–мазкур фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ва қонуности

норматив-хуқуқий ҳужжатлариг асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади. Криминолог З.С.Зарипов айтганидек, ҳамкорликни ташкил қилишга ички ишлар органлари тизимидаги меҳнат тақсимоти, таркибий бўлинмалар ўртасида вазифалар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши каби масалаларни қамраб олган мақсаднинг вужудга келиш исифатида ҳам қараш мумкин. Ўзаро ҳамкорликнинг мақсади бошқарув тизими олдида турган умумий вазифаларини ҳал этишда куч ва воситаларни тўғри тақсимлашни англатади.

Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга ваколатли бўлган субъектлар ўз фаолияти жараёнида хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, хуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хуқуқбузарликлар

профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари билан бевосита ҳамкорлик қилади.

Ҳамкорлик – иш фаолиятда бирга, ҳамкор бўлиш, айтилиб бериш мақсадни қўллаб-қувватлаган ишда биргалашиш, уни тенг бажариш тушунилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлик – Мазкур фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларга асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакли ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда иккиёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади. Яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлигини шартли равишда ички идоравий ҳамкорлик ва ташқи ҳамкорлик турларига ажратишимиз мумкин.

Ички идоравий ҳамкорлик – яъни, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамкорлигидир. Жумладан Профилактика инспекторларининг Ички ишлар органлари вояга етмаганлар профилактика ҳуқуқбузарлиги бўйича инспекторлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишларни ташкил этишда, ҳуқуқбузарликларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар ва унга етакловчи омилларни аниқлаб, бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Барча шароитларда ҳамкорлик қўшма тадбирларни режалаштириш ва ўтказиш, маълумотларни айирбошлаш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш масалалари юзасидан тақдирлар тайёрлаш ва тегишли ташкилотларга тақдим этиш йўли билан амалга оширилади. Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини турли шакллари мавжуд бўлиб, ларни шартли равишда иккига : ўзаро ахборот алмашиш ҳамда фаолиятга доир муайян чора-тадбирларни ҳамкорликда режалаштириш, амалга ошириш, натижаларини умумлаштириш, муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашда намоён бўладиган амалий ҳамкорликка ажратиш мумкин.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ички ишлар органлари ва Миллий гвардия органларининг ўртасидаги ўзаро ахборот алмашиш, ҳамкорликнинг кенг тарқалган шаклидир. Ички ишлар органларининг ходимлари айнан ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва уни алмашиш асосида ишлаб чиққан ҳулосага кўра ҳуқуқбузар ёки ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахслар билан муносабатда бўлиши, уларнинг тақдирларини белгилаши боис айрим олимлар томонидан ахборот олиш ва унга ишлов беришни ички ишлар органлари фаолиятининг асосий технологияларидан бири дея таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тизимига кирувчи туман, шаҳар ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш хизмати ходимлари ҳам профилактика инспекторлари билан узвий ҳамкорликда иш олиб борадилар. Ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: биринчидан, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида содир этилган жиноятлар, тезкор вазиятнинг таҳлилини олиб бориш, патрул-пост хизмати

нарядларини постлар ва патруллик йўналишларига жойлаштириш дислокатсияси(тартиби)ни ишлаб чиқиш, шунингдек шаҳар-туман ҳудудида жорий суткада хизматни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасига таклифлар киритиш ва уни тайёрлаш; иккинчидан, ўтказиладиган оммавий тадбирлар вақтида жамоат тартиби сақланишини таъминлаш; учинчидан, барча жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида жиноятлар, тезкор вазиятнинг таҳлилини олиб бориш, патрул-пост хизмати нарядларини постлар ва патруллик йўналишларига жойлаштириш дислокатсияси(тартиби) ни ишлаб чиқиш, шунингдек шаҳар-туман ҳудудида жорий суткада хизматни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасига таклифлар киритиш ва унитайёрлаш; иккинчидан, ўтказиладиган оммавий тадбирлар вақтида жамоат тартиби сақланишини таъминлаш; учинчидан, барча жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида кўринмоқда.

Профилактика инспекторлари жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари билан ҳамкорликни амалга оширишда:

- худуддаги тезкор вазиятни таҳлил қилган ҳолда патрул-пост хизмати нарядларини постлар ва патруллик йўналишларига жойлаштириш дислокатсиясини ишлаб чиқиш ҳамда бу ҳақда мунтазам ўзаро ахборот алмашиб бориш;

- худудда оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш;

- барча жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлайдилар.

Мустақил давлатимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда, жамиятимиз аъзоларининг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазалашда, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашда ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган (суд, прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси, ИИБ) лари ҳамда кенг жамоатчилик бирлашмаларининг ўзаро келишилган, тартибли ҳамкорлиги сиз уларнинг фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди.

Уларнинг умумий мақсад ва вазифалари (қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашни ташкил этиш) нинг самарали амалга оширилишидан ўзаро манфаатдорлиги ҳам уларда мавжуд ахборотларни ўзаро алмашинув, куч ва воситаларни мақсадли бирлаштирилиши муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ҳамкорлик тушунчасини кўриб чиқадиган бўлсак, ҳамкорлик бу фалсафий категория бўлиб, ўзаро алоқадор турли объектларнинг бир-бирига ўзаро таъсир этиши, ўрин алмашилиш жараёнларини ифодалайди. Ҳамкорлик бевосита ёки билвосита, ташқи ёки ички алоқалар муносабатини намоён этади<sup>8</sup>. Ҳуқуқшуносолим А.Д.Полиодукнинг таъриф беришича, ИИБнинг бошқа хизматлар ва жамоатчилик билан ҳамкорлиги маъмурий ҳуқуқий категория бўлиб, Миллий гвардия фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Миллий гвардиянинг олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлиги ва мол-мулкларининг муҳофаза этилишини таъминлашда ҳам хизматлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни вamuвофиқлаштиришни тўғри йўлга қўйиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш тушунчалари ўз мазмунига кўра бир-бири билан яқин тушунчалардир, юридик адабиётларда ўзаро ҳамкорликни, икки ёки ундан ортиқ иштирокчиларнинг маълум бир вазифаларни ҳал этиш учун биргаликдаги ўзаро келишилган ҳаракати деб қаралади. У бир ёки бир неча биргаликдаги фаолият иштирокчиларининг ташаббуси билан юзага келиши мумкин. Миллий гвардияда алоҳида хизматларнинг ўзаро ҳамкорлигини уларни бошқариш жараёнида орган бошлиғи ташкил этади. Бундай ҳолларда ҳамкорликни ташкил этиш мувофиқлаштиришнинг бир кўриниши деб қаралиши керак. Миллий Гвардия органлари ички ишлар органлари билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлаш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини сақлаш борасида профилактик чора-тадбирларни ҳамкорликда бажаради. Бунинг натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бевосита ҳамкорликда амалга оширилади.

В.А.Афанасевнинг фикрига кўра, ўзаро ҳамкорлик бу жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши кураш бўйича фаолиятни ҳамкорликда келишилган ҳолда, қонун ва қонуности ҳужжатларига асосланган усул, услублар ва хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиш демакдир. Ўзаро ҳамкорликдан мувофиқлаштиришнинг фарқи, мувофиқлаштирувчи субъектга биргаликдаги фаолият иштирокчиларининг бўйсунушидадир. Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни олдини олиш ва уларга қарши курашни самарали, илмий жиҳатдан замонавий ташкил қилиш даражаси ИИО тизимида мавжуд турли хизмат, бўлим ва бўлинмаларнинг узлуксиз ҳамкорлигини тақозо этади. Бу мазкур ҳудудда ҳуқуқбузарлик, жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини тез ва тўла фойда олиш, талон-тарож қилинган моддий бойликлар ва яширинган жиноятчиларни қидириш, қўлга олиш учун комплекс чора-тадбирларнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади. Миллий гвардия ҳузуридаги кўриқлаш хизмати иш фаолиятининг муваффақияти кўп ҳолларда Миллий гвардиянинг бошқа хизмат, бўлимлари ва ходимлари билан ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатларининг тўғри ташкил қилинишига боғлиқдир. Мазкур фаолиятни тўғри ташкил этишда Миллий гвардия раҳбар ходимлари муҳим ўрин тутаяди, чунки улар ишни ташкил этиш билан бир қаторда назорат ҳам қиладилар. Ҳамкорликнинг аҳамияти шундаки, ИИО тизими олдида турган асосий мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишга фақат уюшқоқлик билан, биргаликда келишилган ҳаракатлар орқалигина эришиш мумкин. Уларнинг доимий ва мустақкам ҳамкорлигисиз ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашишни, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни самарали тезкор ташкилий суръатда амалга ошириш мумкин эмас.

ИИОда ҳамкорликни ташкил этиш ва таъминлашда В.Г.Кутушевнинг фикрига кўра, қуйидаги илмий асосланган принциплар: қонунийлик, режага асосланганлик, ҳамкорликдаги субъектларнинг ваколатлари бўйича бўлинганлиги асосида амалга оширилиши керак.

Қолаверса, ҳуқуқшунос олим Д.В.Василев таъкидлаганидек, хориж Ҳуқуқшунос олим П.Н.Астапенко тўғри таъкидлаганидек, Европа мамлакатларида полиция органлари конституциявий-ҳуқуқий муносабатларда: а) махсус ваколатга эга ҳукумат таркибидаги ижроия ҳокимият органи; б) жамоат тартиби ва хавфсизлигини

таъминлаш субъекти сифатида иштирок этади .

Юқоридаги фикрларга асосланиб, қуйидагича мулоҳаза юритишимиз мумкин: Миллий гвардия органларининг давлат органлари, корхона, муассаса ташкилотлар маъмурияти ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этиш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда самарали хизмат қилади.

Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда, бизнингча, Миллий гвардия органлари фаолиятидаги ҳамкорлик бўйича яна бир тамойил (шартномага асосланганлик)ни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки қўриқланаётган корхона, муассаса, ташкилотларнинг маъмурияти ҳамда хонадонларини қўриқлашга топширган фуқаролар билан шартномалар асосида Мазкур моддий бойликларни муҳофазалаш бўйича ўзига хос ҳамкорлик юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик идоралари маъмурияти ва фуқаролар шартномада белгиланган талаблар (томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари)га биноан мол-мулкларини ҳақ эвазига Қўриқлаш хизматига топширадилар, қўриқлаш хизмати эса ўз вақтида Мазкур

мол-мулкларни лозим даражада қўриқланишини таъминлайди. Келгусида бундай жиноятлар содир этилишининг олдини олиш юзасидан корхона маъмуриятига тегишли такдимномалар, қўриқлаш хизмати раҳбариятига эса тегишли кўрсатмалар берадилар. Жамият тўхтовсиз тараққий этиб борар экан, барча соҳалардаги каби ички ишлар органларининг оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва тажрибасини ўрганиш жамиятни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва асосий ўлларини белгилаб олиш, башариятнинг гузоқ тарихий тараққиёти жараёнидаги янгилишувлар ва ёндашувларга қайта йўл қўйилишининг олдини олиш имконини беради. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳам ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади албатта. Ички ишлар органлари билан Миллий гвардия органлари фаолиятида амалга оширилаётган ислохотлар ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган. “Биз миллий гвардия органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича жиддий ислохотларни амалга оширмоқдамиз. Бироқ, очиқ тан олиш керак, Мазкур идоралар ҳали халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлангани йўқ”. Тизимда жамоат тартибини сақлаш, жиноятларга қарши курашиш ва давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига доир аниқ мезонлар белгиланмаган. Шу сабабли ислохотларни давом эттириб миллий гвардия органлари халқимизнинг оғирини енгил қиладиган тузилмага айлантириш зарурлигини яна бир бор такрорлаш ўринли, деб биламан. Ички ишлар органлари билан Миллий гвардия органлари томонидан оммавий тадбирлар ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш борасидаги анча ишлар қилинишига қарамасдан Мазкур йўналишда қуйидаги камчиликларга йўл қўйилиб келинмоқда.

Биринчидан. Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилаб берувчи аниқ норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг йўқлиги;

Иккинчидан. Ички ишлар органлари билан Миллий гвардия томонидан оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини

таъминлашда ҳамкорликни ташкил этиш бўйича.

Учинчидан. Ҳамкорликни тўғри ташкил қилиш ҳамда кам куч сарфлаб кўп натижага еришиш мақсадида ИИО профилактика инспекторининг миллий гвардия органлари билан ҳамкорлигини таъминлаш учун норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш зарур.

Тўртинчидан. Профилактика инспектори ҳудудида жойлашган стадион ҳамда купчилик тупланадиган жамоат жойларида хизматлар бир хил ташкил қилиниб агарда ҳуқуқбузарлик содир қилинадиган тақдирда фақат профилактика инспектори жавобгар бўлмасдан миллий гвардия органи ходими ҳам бир хил жавоб берса маъсулият ортган бўларди.

Бешинчидан. Профилактика инспекторига тегишли бозор ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш мақсадида Миллий гвардия органлари ходимларини кўпроқ жалб қилиш мақсадга мувофиқ, лекин кўплаб чекка туманларда хизмат тўғри ташкил қилинмаган ҳамда ходим етишмайди.

Олтинчидан. Ҳудудда криминоген вазиятни тўғри таҳлил қилиш ҳамда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни тез ва аниқ ҳолда етказиш учун профилактика инспекторларига берилган планшетларга ўхшаган ва ягона тизимга уланган ахборот воситаси ташкил қилиш керак.

Еттинчидан. Миллий гвардия органлари ходимлари хизмат ўташ вақтида аниқлаган ҳуқуқбузарликлари юзасидан жавобгарлик масаласини ҳал қилиши ҳамда ваколатларини кенгайтириш жоиз. Каби бир қанча камчиликлар мавжуд бўлиб, бу камчиликларни бартараф этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Оммавий тадбир тушунчасига таъриф берадиган булсак оммавий тадбирда умумий иштирокчиларнинг сони белгиланганидек 100 кишига етмаса, у оммавий тадбир сирасига кирмайди, дея ҳисобланади, мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатда митинг, йиғилиш, намойиш каби тадбирларни тартибга солмаганлиги боис, қарорнинг амалқилиш доираси чегараланиб қолмоқда, холбуки, митинг, йиғилиш, намойиш ҳам айни вақтда уларни ҳам ўтказиш ва уларда хавфсизликни тартибга солиш тўғрисида бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Шу боис, митинг, йиғилиш, намойиш ва кўча юришларини тартибга солувчи аниқ қонун ишлаб чиқиши зарур. Юртимизда қадимдан оммавий тарзда нишонланиб келинаётган кўплаб удум ва маросимлар мавжуд. Шулардан келин ва куёвнинг никоҳ тўйлари, суннат ва бешик тўйлари, каби кўплаб тўйҳашамларини мисол қилишимиз мумкин. Бу маросимларни республикамизнинг турли вилоятлари ўзларининг маълум бир урф-одатларига таянган ҳолда нишонлаб келмоқда. Мазкур тўй ҳашамларда кўплаб кишилар иштирок этади. Уларнинг сони икки юз, тўрт юз ва ундан ҳам ошиб кетиши мумкин. Бундай тадбирларни ўтказиш вақтида фуқаролар томонидан ҳар хил ҳуқуқбузарликлар содир этилиши мумкин. Шунинг учун мазкур тадбирларни ҳам тартибга солишда аалбатта норматив ҳуқуқий ҳужжатни қабулқилиш муҳим ҳисобланади.

Миллий гвардия органлари жамоат тартибини сақлашда фақат профилактика инспектори билан эмас ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан ҳамкорликни амалга оширади масалан, тергов бўлими ва бўлинмалари билан ҳамкорлик қуйидагиларда намоён бўлади: ҳудудда жойлашган турли қурилиш, ишлаб чиқариш, савдо қилиш жойлари, товар моддий бойликларни сакловчи халқ хўжалиги

иншоотлари, корхона, муассаса, ташкилотларда иқтисодий соҳадаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш бўйича ўзаро ахборот алмашиш. Миллий гвардия органлари ходимларининг терговчилар билан ҳамкорлиги, айниқса, тергов ишларининг дастлабки босқичларида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, терговнинг яхши бориши дастлабки иссиқ издан олиб борилга нҳаракатлар суръати ва сифатига, авваламбор, жиноят жойини кўздан кечиришга боғлиқдир. ИИО ходимлари хизмат вазифаларига мувофиқ, оператив тергов гуруҳи жиноят жойини кўздан кечириш вақтида, у жойда жамоат тартибини сақлашда, оператив тергов гуруҳи воқеа жойига тез вақтда етиб келгунича, воқеа жойи (излар, далилий ашёлар)ни мазмунан оммавий тадбирлар сирасига киради.

Миллий гвардия органлари қўриқлаш бўйича мустақил равишда иш юритиш, жабрланувчиларни аниқлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этадилар ҳамда гумонланувчиларни ушлаш бўйича тадбирларни амалга оширишга мажбурдирлар. Миллий гвардия органлари ходимлари профилактика инспектори билан биргаликда ҳодисани кўрган гувоҳларни аниқлаб, улар билан суҳбатлашадилар, воқеа ажойи атрофида яшайдиганлар билан суҳбат ўтказишда қатнашадилар, тергов гуруҳи келиши билан содир бўлган воқеа тафсилотлари, ўзи томонидан қилинган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида ахборот берадилар, воқеа жойини кўздан кечириш режасини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қиладилар, ўз фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда, жиноятни тез очиш йўллари ҳақида фикр алмашадилар. Тергов бўлимлари қўриқланаётган иншоотларда содир этилган ўғрилиқ ва талон-торож билан боғлиқ бўлган жиноятларни тергов қилиб, қуйидаги омилларни аниқлайдилар:

- жиноят содир этилишига олиб келган сабаб ва шароитларни, жиноят натижасида келтирилган зарар миқдорини; жиноят содир этилишига йўл қўйган айбдор шахслар (қўриқлаш хизмати ходимлари ёки корхона, ташкилотнинг маъмурияти, ходимлари) ни;

- тергов натижасида аниқланган айбдор шахсларга нисбатан тегишли интизомий, маъмурий, жиноий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қиладилар;

Ундан ташқари Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари миллий гвардия органларининг қўриқлаш хизматларини ташкил қилиш борасидаги ҳамкорлиги ҳозирги вақтда энг зарур ва долзарб масалалардан биридир. Бунинг сабаби қуйидагиларда намоён бўлади: ҳар қандай қўриқланадиган объектлар (корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар хонадонлари), албатта қайсидир ИИО ҳуқуқ тартибот масканининг профилактика инспекторларига тегишли бўлган маъмурий ҳудудда жойлашган бўлади. Шунинг учун ҳам Мазкур ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноий ҳодисалар содир этилишининг олдини олиш, уларга қарши курашни ташкил этиш, тез ва самарали фoш этиш, айбдорларнинг жавобгарликка тортилишидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматининг профилактика инспекторлари ҳам манфаатдордирлар. Дарҳақиқат, профилактика инспекторлари ўзларининг маъмурий ҳудудларида мавжуд оператив вазият, талон-торож билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаб, шарт-шароитларни ҳамда уларни содир этишга мойил бўлган шахслар, спиртли ичимликларга, гиёҳванд

моддаларга ружу қўйган шахслар ва муқаддам судланган шахслар ҳақида етарли маълумот ва хабарларга эга бўладилар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими ва ИИО ҳуқуқ тартибот масканлари профилактика инспекторларининг ўзига тегишли ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлиги, ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг маъмурий ҳамда жиноий тажовузлардан муҳофазасини таъминлашда, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишда умумий ва яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни самарали амалга оширувчи субъектлар сифатида бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, маҳаллада барқарорлик ва тинчлик осойишталигини таъминлашда профилактика инспекторлари билан ИИО тизимидаги барча хизматлар каби, миллий гвардия органлари ҳам ўзининг ҳамкорлик иш фаолиятларини маҳаллада, профилактика инспекторларининг фаолиятига таянган ҳолда, амалга ошириб борадилар. Айниқса, ҳозирги кунда ижтимоий сиёсий вазиятни издан чиқаришга қаратилган диний экстремистик гуруҳларнинг қўпоровчилик ҳаракати хавфи ошиб бориши, ёйилиши каби ҳаракатларни жойларда аниқлаш, ўз вақтида олдини олиш ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширишда самарали ҳамкорлик жуда зарурдир.

Ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, маҳаллада барқарорлик ва тинчлик осойишталигини таъминлашда профилактика инспекторлари билан ИИО тизимидаги барча хизматлар каби, миллий гвардия органлари ҳам ўзининг ҳамкорлик иш фаолиятларини маҳаллада, профилактика инспекторларининг фаолиятига таянган ҳолда, амалга ошириб борадилар. Айниқса, ҳозирги кунда ижтимоий сиёсий вазиятни издан чиқаришга қаратилган диний экстремистик гуруҳларнинг қўпоровчилик ҳаракати хавфи ошиб бориши, ёйилиши каби ҳаракатларни жойларда аниқлаш, ўз вақтида олдини олиш ва тегишли

чора-тадбирларни амалга оширишда самарали ҳамкорлик жуда зарурдир.

Миллий гвардия органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими, бўлинмалари ва ИИО ҳуқуқ тартибот маскани профилактика инспекторлари билан қўйидаги йўналлишларда тегишли ҳамкорликни ташкил этадилар:

- Республикамизнинг шаҳар, туманларида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини намунали даражада сақлаш, талон-тарош соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда, фуқаролар ҳамда корхона ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари ҳамда маъмуриятининг ҳуқуқий билимларини ошириш, мол-мулкни талончилик ва ўғриликлардан ишончли сақлашнинг самарали усуллари (мол-мулкларни Миллий гвардия органларига топшириш) ни кенг тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш; маъмурий ҳудудда жойлашган объектларни қўриқловга олиш, фуқаролар хонадонларининг “техник қўриқлаш пункти”га уланишини ташкил этиш, ташвиқот тарғибот ишларини амалга ошириш, уларнинг афзалликлари тушунтиради ҳамда уларга мол-мулкни қўриқловга топшириш юзасидан таклилар киритади;

- Турли мулк шакллари ишончли муҳофаза қилишни ташкил этиш, корхона, ташкилот, муассасаларда ўғрилик содир этилишини олдини олиш, “марказлаштирилган қўриқлаш”га олинишини таъминлаш мақсадида, уларнинг

қўриқлаш турларини ўрганиб қўриқлаш ҳолати ва моддий бойликларни сақлашда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича объект раҳбариятига таклифлар киритиш;

- хизмат ташкил қилинган маъмурий ҳудудда объектларни текшириш, келиб чиқиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, уларнингсодир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф қилишда ўзакини топади;

-хизмат ташкил қилинган мамурий ҳудудда тезкор вазиятни доимий равишда ўрганиб, содир этилган ўғрилиқ ва талон-тарожликларнинг сабаблари ва келиб чиқиш шароитларини аниқлайди, моддий қийматликлар сақланадиган хоналарнинг эшик ва деразаларида темир панжаралар ўрнатилишини таъминлаш мақсадида, тегишли объект маъмурияти билан биргаликда далолатномалар тузади;

-хизмат ташкил қилинган мамурий ҳудудда ўғрилиқка йўл қўймаслик ва уларга барҳам бериш ҳамда бунда жиноятчиларни ушлаш, шунингдек қўриқланаётган объектларнинг техник ҳолати ва қўриқлаш-ёнғин сигнализация воситалари билан жихозлаш масалалари юзасидан қўриқлаш хизмати ходимларига ёрдам кўрсатади;

-маҳаллага ва корхона, ташкилот, муассасага келаётган шубҳали, бегона шахслар ва автотранспортлар тўғрисида ИИО ҳуқуқ тартибот масканига ёки Миллий гвардия органларига хабар беришлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш; профилактика инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатаётган ҳудудларда жойлашган мактаб, болалар боғчалари, касалхоналар ва бошқа Миллий гвардия органи хизмати томонидан қўриқланмайдиган ташкилотларда, уларнинг раҳбарлари билан қоровулларнинг тунги навбатчиликларини текшириш, қоровули йўқ ташкилотларга қоровуллар қўйилишини ҳамда Мазкур ташкилотларда қоровулдан ташқари, раҳбар ходимларнинг навбатчилик қилишларини ташкил этишда;

-профилактика инспекторлари тегишли ҳудудлардаги ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, корхоналар, меҳмонхоналар, ётоқхоналар, дала ҳовлилар, омборхоналар, айниқса, кимёвий ва заҳарли моддалар сақлаш жойлари, автомобиллар тўхташ жойлари, аҳоли турар жойлари, бозорлар, кўп қаватли уйларнинг ер-тўла ва чордоқларидан кириш ва чиқиш жойларида ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш бўйича ишларни амалга оширишда ҳамда уларнинг қўриқланишини назорат қилиб боришда ўзаро фойдали ва самарали ҳамкорликни таъминлайдилар.

Профилактика инспекторлари ҳамда миллий гвардия органлари ходимлари юқорида кўрсатилган ҳамкорликдаги фаолиятни амалга оширишда аниқланган камчиликлар ва йўл қўйилаётган хатоликларни бартараф этиш бўйича тегишли ИИБ бошлиқларига ахборот берадилар ҳамда бу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиб миллий гвардия билан ҳамкорликда уларни бартараф қилади. Хулоса қилиб айтганда ушбу ҳамкорлик жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва жамоатчилиكنинг ҳуқуқий таълимни ошириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар

профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли қарори //УРЛ:ҳтtp://www.лех.уз.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоатхавфсизлиги концепсиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2023 йил 29 ноябр) ПФ-27-сон фармони қабул қилинди.

3. А.Д.Полиодук Профилактика правонарушений несовершенно летних зарубежом. Научный журнал.Теория и практика общественного развития

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» фармони. фойдаланилган бошқа адабиётлар:

. П.Н.Астапенко Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбия: назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Монография/ Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори дотсент Х.Т.Маматов.-Т.: «ЛЕССОНПРЕСС», 2022.80-б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» фармони.Фойдаланилган бошқа адабиётлар:

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017йил 20 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида »ги 3528-сонли қарори//УРЛ:ҳтtp://www.лех.уз

7. Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси тўғрисида ЎРҚ-647-сон 18.11.2020-йил Қонунчилик палатаси томонидан 2019-йил 12-ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2019-йил 14-декабрда маъқулланган ҳтtpс://лех.уз/уз/досс/-5128310?ОНДАТЕ=18.05.2022

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепсиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2023 йил 29 ноябр) ПФ-27-сон фармон и қабул қилинди.

9. Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси тўғрисида ЎРҚ-647-сон 18.11.2020-йил Қонунчилик палатаси томонидан 2019-йил 12-ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2019-йил 14-декабрда маъқулланган ҳтtpс://лех.уз/уз/досс/-5128310?ОНДАТЕ=18.05.2022

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сонли «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида »ги Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ”ги ПҚ-2898-сон қарори //УРЛ:ҳтtp://www.лех.уз;

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактика си ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чачора-

тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3786-сон Қарори//УРЛ:хттп://www.lex.uz;

13. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида қонун” ЎРҚ -371-сон 14.05.2014-йилхттпс://lex.uz/астс/-2387357

14. Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.

15. Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

16. Ғуломжонов Ж., Ниматов Ш. Ички ишлар органларининг суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактика сини амалга оширишда мажбурий ижро бюроси органлари билан ҳамкорлиги //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2025. – т. 2. – №. 1. – с. 80-86.



INNOVATIVE  
ACADEMY